

A. CAMU AND EXISTENTIALISM

A.Qosimov

professor of FerSU,
abdugapir16@mail.ru

Qayumov Abduvahob Abdurashidovich

Doctor of Philosophy in Philological Sciences (PhD) , FerSU
abduvahob19810305@gmail.com
<https://orcid.org/0000-0002-0873-0110>

Muxammadjonova Go'zalxon

Fergana State University, Candidate of Philological Sciences, Associate
Professor
guzalfayz76@mail.ru

Oripova Gulnoza Murodilovna

Doctor of Philosophy in Philological Sciences (PhD), FerSU
gulnoza_oripova81@mail.ru
<https://orcid.org/0000-0003-3403-5706>

Abdulxamidova Xikmatoy Axrorjon qizi

Lecturer at the Department of Literary Studies of the Fergana State
hikmatoyxasanova@mail.ru

***Annotation.** The article reveals the place and role of the philosophy of existentialism in the formation of the artistic work of A. Camus, as well as the main features of this philosophical direction.*

***Keywords:** A. Camus, existentialism, absurdity, existence, S. Kirkegor, M. Heidegger*

А.КАМЮ И ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ

А.Қосимов,

профессор ФерГУ, д.ф.н.

abdugapir16@mail.ru

Қаюмов Абдуваҳоб Абдурашидович

доктор философских наук по филологическим наукам, ФерГУ (PhD).

abduvahob19810305@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0002-0873-0110>

Мухаммаджонова Гузалхан

Ферганский государственный университет, кандидат

филологических наук, доцент.

guzalfayz76@mail.ru

<https://orcid.org/0000-0002-4073-0011>

Орипова Гулноза Муродиловна

доктор философских наук по филологическим наукам (PhD), ФерГУ

gulnoza_oriyova81@mail.ru

<https://orcid.org/0000-0003-3403-5706>

Абдулхамидова Хикматой Ахроржон кызы

преподаватель кафедры литературоведения Ферганского

государственного университета.

hikmatoyxasanova@mail.ru

Аннотация. В статье раскрывается место и роль философии экзистенциализма в формировании художественного творчества А.Камю, а также специфические особенности данного философского направления.

Опорные слова и выражения: А.Камю, экзистенциализм, абсурд, экзистенция, С.Киркегор, М.Хайдеггер.

А.КАМЮ ВА ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ

А.Қосимов

ФарДУ профессори, ф.ф.д.

abdugapir16@mail.ru

Қаюмов Абдуваҳоб Абдурашидович

ФарДУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

abduvahob19810305@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0002-0873-0110>

Мухаммадҷонова Гўзалхон

Фарғона давлат университети филология фанлари номзоди, доцент.

guzalfayz76@mail.ru

<https://orcid.org/0000-0002-4073-0011>

Орипова Гулноза Муродиловна

ФарДУ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

gulnoza_oripova81@mail.ru

<https://orcid.org/0000-0003-3403-5706>

Абдулхамидова Хикматой Ахроржон қизи

**Фарғона давлат университети адабиётшунослик кафедраси
ўқитувчиси.**

hikmatoyxasanova@mail.ru

Аннотация. Мақолада А.Камю бадиий ижодининг шаклланишида экзистенциализм фалсафасининг ўрни, роли ҳамда мазкур фалсафий йўналишнинг асосий хусусиятлари очиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: А.Камю, экзистенциализм, абсурд, экзистенция, С.Киркегор, М.Хайдеггер.

Кириш. Ғарбда индивидуализм куйчиларидан бири сифатида баҳоланиб келган ва ижод намуналари 40-йиллардаёқ дунёда машҳур бўлган А.Камю асарларидан биронтаси ҳам бизга маълум сабабларга кўра, XX асрнинг 90-йилларига қадар ўзбек тилига ўгирилмаган. Лекин А.Камюни Ўзбекистонда, асосан, рус тилига қилинган таржималар орқали билишар эди. Айниқса, ижодкор ва зиёлилар орасида 80-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан унинг ижодига қизиқиш ортиб борганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда Ғарбдаги турли фалсафий таълимотлар қаторида экзистенциализм фалсафасига ҳам қизиқишнинг ортганлиги

А. Камю ижодини ўрганишга кенг йўл очди.

Асосий қисм. А. Камю экзистенциализм фалсафаси ва адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири бўлиб, абсурд, ҳаёт ҳамда ўлим мотивларини биринчилардан бўлиб адабиётга олиб кирган адиб сифатида машҳурдир. У асарларида инсонни ана шу туйғулар асосида тадқиқ этади. Бошқача айтганда, “Камю учун абсурд универсал ҳодиса бўлиб, у абсурд тушунчасини инсониятнинг тонгидан шомига қадар, азалдан абадга қадар тадқиқ этади”¹. Шу маънода А. Камю ижодининг эстетик принциплари, у қўллаган поэтик усул ва воситаларни ўрганиш орқали экзистенциализм адабиётини белгиловчи омилларни ёрқинроқ тасаввур этиш, ниҳоят, уни объектив илмий ўрганиш ва баҳолаш имконига эга бўламиз.

Камю ижоди ҳақида фикр юритишдан аввал экзистенциализм фалсафаси ҳақида тўхтаб ўтиш лозим бўлади. Чунки ёзувчи бадиий–эстетик тамойилларининг шаклланишида экзистенциализм фалсафаси асосий ўрин эгаллайди.

Маълумки, экзистенциализм асосан немис мумтоз фалсафаси, хусусан, Гегелнинг идеалистик қарашларига жавобан билдирилган таълимот ҳисобланади. Инсон моҳиятини ёритишга қаратилган ушбу таълимотнинг пайдо бўлиши даниялик файласуф Сёрен Киркегор номи билан боғлиқдир. У фалсафада биринчи бўлиб инсоннинг ўз йўлини, шахс сифатидаги ривожланиши ва маънавий камолотини ўзи белгилаши ҳақидаги масалани долзарб қилиб қўйди. Э. Гуссерл, М. Мерло-Понти, М. Хайдеггер ва Ж. П. Сартр сингари файласуфлар томонидан турли жиҳатдан ва турлича талқинда ўрганиб, хулоса қилинган таълимотнинг туб моҳияти инсоннинг олам, маданият ва цивилизация ривожигаги ўрни ҳамда ўзига хос дунёсини ўрганишдан иборатдир. Экзистенциализм XX асрдаги техник, илмий тараққиёт, миллионлаб кишилар умрига зомин бўлган урушлар ҳамда тоталитар тузумларга нисбатан реакция асосида пайдо бўлган таълимот бўлиб, ўтган асрнинг 60-йиллари охириларигача фалсафий йўналиш сифатида фаолият кўрсатди холос. Шундан сўнг ушбу таълимот асосан бадиий публицистика, фильм ва романларда ўз фаолиятини давом эттирди десак, хато қилмаймиз.

Экзистенциализм фалсафасида “экзистенция” тушунчаси асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. “Экзистенция” — “мавжудлик” деган маънони англатади. Бу тушунчанинг шаклланишида неокантчиликнинг ҳам таъсири бўлган. Айниқса, “экзистенция” тушунчаси Кантнинг “нарсга ўзида” тушунчасига ўхшаб кетади. Кант фалсафасида “нарсга ўзида” биз

¹ Куронов Д. Романнинг янги умри // Жаҳон адабиети. 2001. -№ 9. –Б. 176.

учун сирли бир олам булиб қолгандай ва сирли оламга ўтиш, яъни Кантнинг ибораси билан “трансценденция” содир бўлиши қандай мушкул бўлса, экзистенциализм фалсафасида ҳам инсон борлигини билиш ва шу борлиқнинг ички моҳиятини тушуниш ниҳоятда қийин. Бу қийинчиликнинг сабаби нимада?

“Экзистенциализм борлиқ ва инсон борлиги масаласини кўтаради ва бу борлиқ инсондан ташқарида бўлганлиги учун инсон бу борлиқни идрок эта олмайди ва у ҳақда ҳеч нарса дея олмайди”². Биз бу ерда инглиз файласуфи Жорж Берклининг қарашларига ўхшаш мулоҳазаларга дуч келамиз. Беркли “бутун олам — менинг ҳис — туйғуларим” деган бўлса, экзистенциализм инсон ҳис-туйғулари чегарасидан чиқиб бўлмайди, деб таъкидлайди. Берклининг бундай дунёқараши солипсизмга олиб келди, яъни бу оламда мендан бошқа ҳеч нарса йўқ, деган фалсафий фикрни келтириб чиқарди. Солипсизм тузоғига тutilмаслик учун экзистенциализм фалсафасининг асосчилари инсондан ташқаридаги борлиқ масаласини эътиборга олишмади. Улар борлиққа эмас, инсон мавжудлигига диққат қаратишиб, инсон борлигини “экзистенция” деб атадилар. Инсоннинг мавжудлигида ҳаётнинг моҳияти очилмайди. Биз инсон борлигининг моҳияти нимада деган саволни ўртага ташлай олмаймиз, Шунинг учун ҳам инсон ҳаётининг мавжудлиги, моҳияти, мазмуни биз учун сир бўлиб қолаверади. Нега? деган савол туғилади.

Бу саволга жавобни экзистенциопалистлар инсоннинг бегоналашувидаи кидирадилар.

Дастлаб, инсон табиат қўйнида яшар экан, уни ўзидан ажратмайди ва у табиатнинг бир қисми сифатида мавжуддир. Лекин кўхна ўтмишнинг бу даври узоққа чўзилмайди. Инсон тафаккури тараққиёти натижасида у сунъий табиат яратиб, ўзини табиатдан ажрата бошлайди. Бу бегоналашиб жараёни хусусий мулкнинг шаклланиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши натижасида ниҳоятда кучайиб борди. Инсон ақли яратган фан ва унинг ютуғи бўлган техника бегоналашибнинг кучайишига олиб келди. Бир вақтлар ягона бўлган одамзод миллатлар, элатлар ва давлатларга бўлиниб кетди. Натижада, инсон ҳам табиатдан, ҳам кишилиқ жамиятидаги ўзаро қардошлиқ алоқаларидан бегоналашиб қолди. Бу бегоналашибнинг иккинчи босқичи эди.

Экзистенциалистлар фикрича, бегоналашиб жараёнининг учинчи босқичи ҳозирги замонда давом этмоқда. Бу босқичда инсон ўзининг ички олаmidан, ҳаётдан ҳам бегоналашиб қолмоқда. Яъни инсон ботиний

² Йўлдошев М., Усмонов Р. ва бошқ. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. –Т.: Шарқ, 2002. –Б. 260.

табиатини йўқотиб, фақат зоҳирий табиатга мослашиб бормоқда. Ёки инсон ўз ички ҳиссиётларини йўқотиб, жамият машинасининг бир заррачасига айланиб қолмоқда.

Демак, экзистенциализм фалсафасига кўра, инсон жамиятда ўзининг қандайдир ролини бажариб боради ва хилма-хил ниқоблар ортида инсоннинг асл қиёфаси яшириниб ётади. Бу асл қиёфа қачон очилиши мумкин, бу қиёфа заминидаги инсон моҳияти қачон юзага чиқади? Бу масала экзистенциализмни ниҳоятда қизиқтириб келди ва ушбу фалсафий оқим инсон ўз ҳаётининг моҳияти ва маъносини англаши учун у эркинликка ва эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деган фикрларни илгари сурди.

М.Хайдеггер фикрича, инсон ички моҳиятининг очилишига ёрдам берувчи асосий воситалар тасвирий санъат ва мусикадир. Айнан шу соҳаларда инсон табиатида яшириниб ётган ижодкорлик кучлари юзага чиқади³.

Ҳозирги жамиятдаги инсон ҳаётга бўлган қизиқишини йўқотиб бормоқда. У табиатнинг гўзаллигини ҳам, бошқа инсонлар кайфиятини ҳам ҳис қилмайди. Инсон фақат ақли билан яшар экан, ақл уни фақат ўз манфаатларини кўзлашга ундайди. Натижада, инсон ҳаётдан эзгулик ўрнига фақат фойда ахтаради. Бундай одамларга ҳаёт зерикарли, маъносиз бўлиб туюлади. Юракдаги болаларга хос бўлган самимийлик ва ҳайратланиш хусусиятларини сақлаб қолган одамларгина ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қилиши мумкин.

Инсоннинг асл қиёфаси фақат айрим шароитларда яққол намоён бўлади. Бундай шароитларни экзистенциалистлар чегарадош вазият деб атайдилар. Ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегара, инсоннинг ички ва ташқи олами ўртасидаги ва инсоннинг мавжудлиги ҳамда ҳақиқий борлиғи моҳияти ўртасидаги чегара ниҳоятда мураккаб бўлиб, бу тушунчани очиб бериш учун экзистенциализм инсоннинг ички оламига, эркинлик масаласига диққатни жалб этади. Ж.П.Сартр ва А.Камю асарларида ҳам инсоннинг эркинлиги, эркин танлаш ҳуқуқи асосий муаммолардан биридир. Бу оқимнинг йирик намояндаларидан бири М.Хайдеггер фанга “феномен” тушунчасини олиб кирди. Унинг фикрича, ҳодиса ўзидан олдинги бошқа бир вазият ёки нарсага боғланади ва ундан келиб чиқади.

Юқорида таъкидланганидек, XX асрга келиб кўплаб иқтидор эгалари етишиб чиқдики, улар маълум бир тор соҳа билан чегараланиб қолмадилар. У файласуф бўладими, физик олим бўладими ёки ёзувчи

³ Йўлдошев М., Усмонов Р. ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафасию –Т.: Шарқ, 2002. –Б. 261.

бўладими башариятнинг абадий муаммолари саналган “инсон ким ва у қандай яшамоғи керак, инсон ҳаётининг моҳияти нимада” деган муаммолар устида ҳам бош қотирди. К.Долгов XX асрда яшаган файласуфлар ҳақида фикр билдирар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Европа файласуфлари тадқиқ этган категориялар тизими шу қадар бой ва ранг-барангки, у соф фалсафий мазмундан четга чиқиб этика, антропология, этнография, педагогика, психология ва бошқа фанларни, шу жумладан, адабиёт ва санъатни ҳам қамраб олади”⁴.

Альбер Камю ҳам ҳақли равишда К.Долгов таъриф берган файласуфлар сирасига киради. Лекин шу билан бирга у нафақат файласуф, балки ёзувчи, публицист ва жамоат арбоби сифатида ҳам маълум ва машҳур. Шунинг учун ҳам биз Камю меросини кенг маънодаги ижтимоий ва маданий ҳаёт контекстида таҳлил қилишимиз лозим бўлади.

Экзистенциализм адабиётининг йирик вакилларида бири бўлган А.Камю “Бегона”, “Вабо”, “Англашилмовчилик”, “Калигула”, “Сизиф ҳақида асотир” сингари қисса, роман, пьеса, фалсафий эсселари билан ҳаётлик давридаёқ катта шуҳрат қозонган ва “ақллар ҳукмдори” деб аталган эди. Ёзувчи ўзининг фалсафий эсселарида инсон дунёдаги барча жараёнларга тийрак кўз билан боқиб, уларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиб, ўлим ва ҳаётнинг буюк диалектикасини ҳис қилгандагина борлиқнинг ажиб кучи, гўзаллиги ва ранг-баранглигини англаб ета олиши мумкинлиги ҳақидаги ғояни илгари суради. Камюнинг фикрича, ҳаёт мазмуни инсоннинг ўзида, унинг оламга бўлган муносабатида мужассамлашган. Шу ўринда А.Камю асарлари фалсафий қарашларининг бадий инъикоси бўлганлигини таъкидлаш лозим. Муаллифнинг ўзи файласуф бўлиш учун романлар ёзиш кераклигини, “буюк ёзувчилар романавис файласуф” эканлигини қайд этган эди⁵.

А.Камюнинг бир қанча персонажлари адиб фалсафий қарашларини баён этаётгандай ёки муаллиф номидан сўзлагандай тасаввур уйғотади. Масалан, “Сизиф ҳақида асотир” фалсафий эссесидаги абсурд олам муҳитида “Бегона” қиссаси, “Англашмовчилик”, “Калигула” пьесалари қаҳрамонлари фаолият кўрсатадилар.

⁴ Долгов К.М. От Киркегора до Камю. — М.: Искусство, 1991. —С. 4

⁵ Камю А. Бунтующий человек. —М.: Издательство политической литературы, 1990. —С. 79.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қуроноф Д. Романнинг янги умри // Жаҳон адабиети. 2001. -№ 9.
2. Йўлдошев М., Усмонов Р. ва бошқ. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. –Т.: Шарқ, 2002.
3. Йўлдошев М., Усмонов Р. ва бошқ. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафасию –Т.: Шарқ, 2002.
4. Долгов К.М. От Киркегора до Камю. — М.: Искусство, 1991.
5. Камю А. Бунтуяущий человек. –М.: Издательство политической литературы, 1990.
6. Gafurovich, S. A. (2021). Analysis Of The Poem" Autumn Dreams" By Abdulla Oripov. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(01), 556-559.
7. Sabirdinov, A. . (2021). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. Конференции, 1(2).
8. Mukhammadjonova Guzalkhan. The image of a creative person in the poetry of Erkin Vohidov. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume : 10, Issue : 11, November. - India, 2020.
9. Mukhammadjonova, G. (2020, December). ARTISTIC INTERPRETATION OF THE CREATIVE CONCEPT IN WORLD LITERATURE. In Конференции.
10. Abdurashidovich K. A. Motivation and National Character of Foolishness in Uzbek Literature //ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies. – 2018. – Т. 7. – №. 4. – С. 47-51.
11. Qayumov A. CREATING OF A NATIONAL CHARACTER THROUGH MEANS OF LITERATURE //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 1. – С. 235-240.
12. Mannopov, I. S. (2021). The Term “Hikmat”, (“Wisdom”) Is Interpreted By Khoja Ahmad Yassavi And His Followers. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 258-263.
13. Джураева, М. А. (2020). THE CONCEPT OF A NEW HUMAN-BEING IN MODERN UZBEK STORIES. Ученые записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Серия гуманитарно-общественных наук, (2), 85-89.
14. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. Scientific Journal of Polonia University, 32(1), 116-120.
15. Oripova Gulnoza Murodilovna. (2019). THE PECULIARITIES OF VAZN METER IN UZBEK POETRY OF THE INDEPENDENCE PERIOD. International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. Volume: 8 /Issue:2/. – Macedonia, 2019. –P.33-39.
16. Murodilovna O. G. Melody and musicality in Liryics //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – С. 656-664.
17. Akhmadjonova O. A. Symbolic And Figurative Images Used In The Novel

“Chinar” //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 389-392.

18. Mashrapova, G. A. (2021). The Role Of Narrator In The Structure Of The Artistic Fiction. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(03), 378-383.

19. Xasanova, X. (2020, December). THE MISSION AND LITERATURE OF LETTERS IN STORIES AESTHETIC FUNCTION. In Конференции.

20. Makhmidjonov, S. (2021). ARTISTIC INTERPRETATIONS OF THE EDGES OF THE HUMAN PSYCHE. Интернаука, (15-3), 75-76.